



ЭКСПЕРТИЗА ТЕКШИРУВИ УЧУН НАМУНАЛАР ОЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ

Агоев Шукурулло Сафарбоевич

ИИБ масъул ходими

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8227217>

ARTICLE INFO

Received: 03th August 2023

Accepted: 08th August 2023

Online: 09th August 2023

KEY WORDS

Экспертиза, текширув, биологик намуна, психофизик намуна, анатомик намуна, текширув ўтказиш жараёни, экспериментал излар, ўхшашлик ва фарқланиш.

ABSTRACT

Ушбу мақолада экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатининг ўзига хос жиҳатлари ва уни такомиллаштириш чоралари юзидан мавжуд қонунчилик тизими муҳокама қилиниб, миллий қонунчилигимиз ва халқаро ҳуқуқ нормаларида ижобий жиҳатлар тадқиқ этилган.

Жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш ҳамда одил судлов фаолиятини бугунги кунда суд экспертизаларисиз тасаввур этиб бўлмайди¹, ўз набаотида экспертизанинг аниқлиги ва тўлалиги уни ўзказиш учун зарар бўлган нумуналарни олиш ва бу ҳолатни тўғри расмийлаштириш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Олинган намуналар экспертизанинг тадқиқот объекти бўлиш билан бирга у тергов учун таниб олиш объекти сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

Намуналарни одамдан, жониворлардан, ўсимликлардан, мурдадан, тупроқдан, сув, ҳаво, дон ва ҳар қандай моддий объектлардан, уларнинг хусусиятларини текшириш учун олиш мумкин.

Намунада акс этадиган хусусиятлар иш бўйича ашёвий далилларнинг хусусиятлари билан таққослаш ва шу йўсинда ашёвий далилга унинг физикавий, кимёвий, биологик, шунингдек, ташқи кўриниши билан боғлиқ баҳо бериш мақсадида ўтказилади. Таққослаб текшириш ашёвий далилнинг қайси моддий гуруҳга оид эканини аниқлашга ёки индивидуал хусусиятларига кўра идентификациялашга имкон беради².

Одам ва турли жониворлардан кўпинча уларнинг биологик хусусиятларига оид намуналар, жумладан қон, соч, тук, сўлак, сперма ва организмдан ажралиб чиқадиган бошқа моддалар олинади. Одамдан анатомик хислатлари сифатида қўл-оёқ излари, бармоқ нақшлари, юздаги ажинлар, тиш қолиплари, психофизиологик хусусиятларига оид дастхат ва турли қобилият ва малакаларни ифодаловчи намуналар: овоз, чизилган сурат, ясалган буюм кабилар олинади. Баъзан текшириш учун намуна сифатида



теридан, тирноқ остидаги, қулоқ ичидаги турли чиқинди ва қириндилар ҳам олиниши мумкин.

Мурдадан намуналар тиббиёт соҳасидаги мутахассислар ёрдамида олинади ва экспертиза тадқиқотлари жараёнида турли намуналарни олиш эксперт томонидан амалга оширилади, бу эса қонунчилик билан белгиланган.

Намуналар олишдаги муҳим ҳижатлардан бири бу намуналар келгусида жиноят иши бўйича исботлаш жараёнида зарур бўлиб қолишини инобатга олиб сақланиши, тўла сарфланмаслиги лозим. Улар келгусида ашёвий далиллар мақомини олади.

Экспертиза - бу жиноятни тергов қилишда илмий тамоийиллар ва усулларни қўллашдан иборат бўлган фанининг бир тури. Экспертиза усуллари далилларни синчиклаб текшириш ва масаланинг ҳақиқатини аниқлаш учун қўлланилади. Бунда бармоқ излари, қон излари, соч намуналари ва бошқа ашёвий далилларни текшириш киради. Шунингдек, у шартномалар, электрон почта хабарлари ва бошқа ёзма материаллар каби ҳужжатларни текширишни ўз ичига олади. Замон ривожланган сари унинг турлари ва у учун олишини керак бўлган намуналар турлари ҳам хилма хил бўлиб бормоқда.

Қайд этиш лозимки, сўнгги йилларда фан ва техника, айниқса, компьютер технологияларининг шиддат билан ривожланиши, суд экспертизаси соҳасида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар суд экспертизасининг имкониятини йил сайин кенгайтирмоқда. Ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда судлар томонидан жиноят иши юритишда суд экспертизаси тадқиқотларидан фойдаланиш кўрсаткичлари ҳам йил сайин ошиб бормоқда. Бу эса экспертиза текшируви учун намуналар олишнинг ўзига хос жиҳатларни ва янги экспертизалар учун намуналарни олишнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимларига ўргатишни бу бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг муҳимлигини белгилаб беради.

Мамлакатимизда жадал суръатлар билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жиноят-процессуал қонунчиликнинг либераллашуви ҳамда жиноий-ижтимоий муносабатларда демократик институтларнинг барқарорлашувига олиб келмоқда. Кейинги йилларда Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан берилаётган таклифлар шундан далолат беради.³

Шунга қарамай, жиноят процессида ҳал қилиниши ва ўз ечимини топиши лозим бўлган муаммолар мавжуд. Шунингдек, экспертиза текшируви учун намуналар олиш юзасидан амалдаги жиноят процессуал қонунчилигимизда бир қатор камчиликлар мавждлиги кўзга ташланади.

Биринчидан, ушбу тергов ҳаракати мустақид тергов ҳаракати сифатида процессуал қонунчиликда қайд этилган бўлиб, ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддаси 2-қисмига кўра фақат жиноят иши кўзгатиладигандан кейин амалга ошириш мумкин. Яъни *“Ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ушбу Кодекс 162-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш экспертиза ўтказиш, тафтиш*



тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади⁴.” деб аниқ белгилаб қўйилган.

Бироқ амалиётда ишлаётган терговчи ва суриштирувчилардан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра 92 фоиз ҳолатда ушбу тергов ҳаракатини ўтказишда тергов қадар текширув босқичида эҳтиёж мавжудлигини аниқланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 173-моддасида “Экспертиза тайинлаш ва ўтказишнинг шартлиги” кўрсатилган ҳолатлар белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу ҳолатларни 1,2,6,7 ва 8 бандларида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан аксарият ҳолатларда экспертиза ўтказиш учун аввал унга зарур бўлган намуналарни олиш зарурати мавжуд;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли “Далиллар мақбулликига оид Жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 1 банди 3-4-хатбошисида “Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан қонун нормаларини аниқ бажаришдан ва унга риоя қилишдан ҳар қандай чекиниш, у қандай сабабга кўра юз берганлигидан қатъий назар, шу йўл билан олинган далилларнинг мақбул эмас (яроқсиз) деб топилишига олиб келади.

Мақбул бўлмаган далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПК 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас⁷” деб кўрсатилган бўлиб, ҳозирда тергов қадар текширувни амалга ошириш даврида олинган намуналар ва уларнинг асосида ўтказилган экспертизаларни хулосаларни исботлашга далил сифатида фойдаланиш, юқоридаги асосларга кўра қонунчиликга зид бўлиб қолади.

Шунга кўра “Экспертиза текшируви учун намуналар олиш” тергов ҳаракатини терговга қадар текширув даврида амалга ошириш мумкин бўлган тергов ҳаракатлари қаторига қўшиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 189-моддаси 3-қисмида “Намуна олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ва органлар” ҳақида гап борганида “Эксперт текшируви учун намуналар олиш яланғоч бўлишни тақозо этса ёки алоҳида касб маҳоратини талаб қилса, суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан текширув учун намуналарни шифокор ёки бошқа тиббий мутахассис олади.⁴” деб белгиланган, бу ўринда шахсни яланғочлаш билан ёки бошқа тиббиёт билан боғлиқ ҳолатларда шифокор ёки бошқа тиббий мутахассиснинг иштирок этишида муаммо йўқ. Бироқ, бу тергов ҳаракатида тиббиёт ходимларидан бошқа тиббиётга алоқаси бўлмаган кўплаб мутахассисларни жалб қилишга эҳтиёж мавжуд бўлиб, қонуннинг бу каби ёзилиши бунга тўсқинлик қилади чамамда.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 189-моддаси 3-қисмининг қуйидаги “Эксперт текшируви учун намуналар олиш яланғоч бўлишни тақозо этса ёки алоҳида касб маҳоратини талаб қилса, тергов қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахснинг, суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан текширув учун намуналарни шифокор(тиббий мутахассис) ёки бошқа тегишли мутахассис олади.” деб баён қилиш лозим деб ҳисоблаймиз.



Учинчидан, юқорида такидлаб ўтканимиздек, намуналар олиш учун асосан терговга қадар текширув ўтказиш босқичида эҳтиёж сезилади, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 320¹-моддаси 1-қисмида “Терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади” деб кўрсатилган. Бу чора тадбирлар ичида асосан намуналар олиш ҳам киради.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 188-моддасида намуналар олиш ваколати терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсга берилмаган бўлиб, ушбу ваколатни унга бериб, қонунни қўйидагича “Терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс, суриштирувчи, терговчи ёки суд тирик одамнинг, мурданинг, ҳайвоннинг, ўсимликнинг, буюмнинг, материалнинг ёки модданинг хусусиятларини ўзида акс эттирувчи намуналар олишга, башарти уларнинг эксперт текшируви эксперт олдида қўйилган саволларни ҳал қилиш учун зарур бўлса, ҳақлидир.” мазмунда таҳрирлаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 190-моддаси 1-қисмида “*Эксперт текшируви учун намуналар гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича устидан иш юритилаётган шахсдан олиниши мумкин.*” лиги.

190-модданинг 2-қисмида эса “*Ҳодиса содир бўлган жойда ёки ашёвий далилларда бошқа шахслар томонидан ҳам из қолдирилган бўлиши мумкинлиги тўғрисида етарлича асослар бўлган тақдирда шу шахслардан ҳам эксперт текшируви учун намуна олиниши мумкин*” лиги кўрсатилган бўлсада, амалиётда ҳодиса содир бўлган жойда ёки ашёвий далилларда из қолдирилмаган ҳолатларда ҳам бошқа шахслардан ёки гувоҳлардан ҳам намуна олиш зарурати мавжуд.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 190-моддаси 1-қисмига “гувоҳ” ни, 2-қисмига бошқа зурур бўлган ҳолатларни киритиш лозим бўлади.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 190-моддаси 2-қисмида “*Ўзидан намуна олиниши учун келишдан бош тортаётган гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, жабрланувчилар (гувони қўшиш лозим) мажбурий келтирилиши мумкин, бунда, башарти қўлланиладиган усуллар оғриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлса, улардан мажбурлов йўли билан намуналар олинади*” деб белгиланган. Бунда “оғриқ бермайдиган” атамаси кенг маънода чеклов бўлиб, аксария олинадиган намуналарда қон, соч толалари ва бошқаларда оғриқ мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 196-моддаси 1-қисмида “*Кучли оғриқ берадиган мураккаб тиббий тадбирлар ва усулларни қўллаш намуна олиниши лозим бўлган шахснинг розилиги билан, башарти у вояга етмаган ёки руҳий ҳолати бузилган бўлса, унинг қонуний вакили, васийлари ёки ҳомийларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин*” деб кўрсатилган, шунга кўра ЖПКнинг 190-моддаси 2-қисмидаги “оғриқ бермайдиган” атамаси, “кучли оғриқ бермайдиган” деб алмаштириш ва унинг чегарасини ҳам тиббий нуқтаи назардан аниқлаштириш лозим бўлади.



Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 192-моддасида экспертиза текшируви учун намуналар олишини лозим бўлган шахслар чегараси белгилаб кўрсатилган бўлсада, намуналар олиниши керак бўлган жойлар, буюмлар ва бошқа ҳолатларнинг мажбурийлиги кўрсатилмаган бўлиб, қонунинг шу қисмини тўлдириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 193-моддасида экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра *“Суриштирувчи ёки терговчи намуна олиниши керак бўлган шахсни чақиртиради ёки у турган жойга бориб, уни намуна олиш тўғрисидаги қарор ёки суднинг ўзига келиб тушган ажрими билан таништириб тилхат олади ва бу шахсга, мутахассисга, холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, агар кимдир рад этилган бўлса, бу масалани ҳал қилади. Кейин суриштирувчи ёки терговчи керакли ҳаракатларни бажаради ва эксперт текшируви учун намуналар олади. Бунда оғриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлмаган илмий-техникавий воситалар қўлланилиши мумкин.”* деб белгиланган бўлиб, бу ерда суднинг ўзи экспертиза текшируви учун намуналар олиши кўрсатилмаган, у гўё доим суриштирув ва терговга топшириқ беради дегандай кўрсатилган. Амалда судланинг ўзлари ҳам намуналар олади ва экспертиза тайнлайди ва бу бўйича жинойт процессуал қонунчилигимизда белгилаб қўйилган бўлиб, умумий қоидаларга қонинг ушбу нормаси зид бўлиб қолган кўринади. Фикримизча, *“Суриштирувчи, терговчи ёки суд намуна олиниши керак бўлган шахсни чақиртиради ёки у турган жойга бориб, уни намуна олиш тўғрисидаги қарор ёки суднинг ажрими билан таништириб тилхат олади ва бу шахсга, мутахассисга, холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, агар кимдир рад этилган бўлса, бу масалани ҳал қилади. Кейин суриштирувчи, терговчи ёки суд керакли ҳаракатларни бажаради ва эксперт текшируви учун намуналар олади. Бунда кучли оғриқ бермайдиган ҳамда инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлмаган илмий-техникавий воситалар қўлланилиши мумкин.”* деб ўзгартириш киритиш лозим.

Саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 193-моддасида экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби белгиланган бўлиб, ушбу модданинг 2-қисмига кўра *“Мурдадан, шунингдек хом ашёлардан, маҳсулотлардан, бошқа материаллардан намуналар олиш эксгумация қилиш, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш йўли билан амалга оширилади.”* деб белгиланган, бироқ амалиётган намуналар олиш эксгумация қилиш, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш тергов ҳаракатларидан ташқари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ёки кўздан кечш тергов ҳаракатлари даврида ҳам кўп олинади, бироқ қонунинг ушбу нормаси, бу ҳолатга зид бўлиб қолган кўринади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 193-моддаси 2-қисмини *“Мурдадан, шунингдек хом ашёлардан, маҳсулотлардан, бошқа материаллардан намуналар олиш кўздан кечириш, эксгумация қилиш, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш йўли билан амалга оширилади.”* деб кўрсатиш лозим бўлади.

Тўққизинчидан, жинойт аломатлари бор ёки йўқлиги кўп ҳолатларда экспертиза текшируви билан боғлиқ бўлиб, қонунчилигимиз шу сабабли, экспертизани терговга



қадар текширув даврида ўтказиш учун рухсат берган, бироқ нима сабабдандир ушбу экспертиза учун асос бўлувчи намуналар олишни бу босқичда ўтказишга тақиқ қўйилган, шунингдек, бу тергов ҳаракатини ўтказини тергов қадар текширув органи мансабдор шахсига рухсат бермаган.

Шу ўринда терговга қадар текширув ҳақидаги фикларга бироз тўхталсак, Б.Т. Безлепкин жиноят ишини қўзғатиш босқичида қонуний асослар ёки сабабнинг мавжудлиги ёки йўқлигини текшириш (ёзма материаллар ва тушунтиришларни талаб қилиб олиш, ҳужжатли текширув ёки тафтишни тайинлаш) ўтказиш орқали амалга ошириш лозимлигини таъкидлаб, ушбу жараёни терговга қадар текширув деб аташни таклиф қилган⁵.

М.Д. Ботаев эса, терговга қадар текширув бу ишни судга қадар юритишнинг алоҳида босқичи бўлиб, тегишли ваколатларга эга бўлган масъул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш йўли билан қонуний ва асосланган ҳал қилув қарорини чиқаришга қаратилган процессуал ҳаракатлар тизимидир деб таърифлаган⁶.

Амалдаги ЖПКнинг 320-2-моддасида эса—“Терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади. Терговга қадар текширув суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ҳам олиб борилиши мумкин” деб кўрсатилган.

Шунга ва юқоридагиларга кўра намуналар олиш учун тергов қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсга ҳам бу тергов ҳаракатини ўтказиш ва намуналар олиш учун тегишли мутахассисга топшириқ бериш ваколатини бериш лозим бўлади деб ҳисоблаймиз.

Ўнинчидан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 196-моддаси 2-қисми “*Намуна олиш намуна олинувчини ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, шифокор, бошқа мутахассис, холислар намуна олинувчи шахс билан бир жинсда бўлишлари лозим*” деб кўрсатилган. Жиноят процессуал қонунинг ҳеч бир қисмида шифокор ёки бошқа тиббиёт мутахассисининг текширилувчи билан бир жинсда бўлиши кўрсатилмаган, амалда ҳам бу ҳолат бўйича тафовутлар мавжуд. Шунинг учун шифокорни ва бошқа тиббиёт мутахассисини яланғочлаб намуна олиниши билан боғлиқ ҳолатда чеклов қўйилишини нотўғри деб ҳисоблаймиз.

References:

1. “Жиноят ишини юритишда экспертиза: мазмуни, аҳамияти, тайинлаш ва ўтказиш асослари” услубий қўлланма. Тошкент 2016 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Ғ.А. Абдумажидов. Тошкент 2009 йил. 313-бет.



3. “Жиноят процесси муаммолари” ўқув қўлланма. З.Иноғомжонова; Г.Тулагонова. Тошкент 2006 й. 2-бет.
4. 4.Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси.Тошкент “Yuridik adabiyotlar publish” 2022;
5. Юридик энциклопедия / юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., – 2001. – Б.156– 157;
6. *Безлепкин Б.Т.* Уголовно-процессуальное право Российской Федерации: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М., 2007. С. 317 ;
7. Ботаев М.Д. Терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш: Дис.– Т., 2020. –С.19;
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 август кунги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарори.
9. Қушбоқов Ш., Таджиев Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. –2023. –Т. 2. –No. 4. –С. 35-44.
10. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. –Т. 1. –No. 4. –С. 58-63.
11. Рустамов С., Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. –2022. –Т. 2. –No. 10 Special Issue. –С. 28-31.
12. Qushboqov S. Jazoni ijro etish muassasalarining yuridik shaxs sifatidagi tushunchasini yoritishda nazariy tahlil //O'rta Osiyo ta'lim va innovatsiyalar jurnali. – 2023. –Т. 2. –No. 2 Part 2. –С. 49-52.
13. Холмуминов О. Ж. Ўзбекистонда кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибининг ҳуқуқий механизмлари //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – С. 176-179.
14. Холмуминов О. Гражданско-правовое упорядочение использования некоторых категорий земельных участков //Review of law sciences. – 2018. – №. 4. – С. 67-72.
15. Холмуминов О. Ж. Гражданско-правовые вопросы собственности на землю //Право и жизнь. – 2016. – №. 3-4. – С. 163-185.